

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси номидан 24.01.2022 й № 21 сонли бош ишончнома асосида Р.Холиқназаров бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “ELITE BUILDING” МСНЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Б.Нуъмонов иккинчи томондан “Олтиариқ тумани “Қачуғой” МФЙда янги қуриладиган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик сув тизимини қуриш” объектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I.Тарифлар

1.Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;**қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;**вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;**шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

II.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан “Олтиариқ тумани “Қачуғой” МФЙда янги қуриладиган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик сув тизимини қуриш” объектида лойиҳада кўзда тутилган ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар 2022 йил “19” декабрь кунги №210247-сонли электрон баённома билан шакилланган қурилиш монтаж ишлари қиймати қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **1 290 800 000** (Бир миллиард икки юз тўқсон миллион саккиз юз минг) сўм 00 тийинни ташкил этади. Шундан 2022 йил учун бажариладиган ишлари қиймати қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган ҳолда нархларда **1 290 800 000** (Бир миллиард икки юз тўқсон миллион саккиз юз минг) сўм 00 тийинни, молиялаштириладиган маблағ қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган ҳолда **1 226 260 000** (Бир миллиард икки юз йигирма олти миллион икки юз олти миш) сўмни, ташкил этади. Қолган маблағ объект фойдаланишга топширилиб қафолат муддати тугагандан сўнг белгиланган тартибда тўлаб берилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:-қурилиш қийматини кўпайтириш енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “ ” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50 % ўз кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ва унга ҳисоботларни ойма-ой буюртмачига топшириш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ муддатида тугатиб топшириш;-___-иловага мувофиқ қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш; қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;-қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар

бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;-қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;-қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши, шунингдек, объектда бажарилган ишлар юзасидан тўлиқ ҳисоботларни ва объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилади ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

V.Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;-Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;-Объект махсус ҳисоб варағига маблағлар берилганидан сўнг молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;-мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI.Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:-миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;-кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 35 иш кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14. Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Буюртмачи Пудратчига ажратилган маблағ учун бажариладиган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу **387 240 000** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун объект махсус ҳисоб рақамига маблағлар ажратилганидан сўнг ойлик бажарилган ишлар ҳисоб-фактуралари ҳамда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1,2 илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 майдаги ПФ-140-сон Фармонида асосан белгиланган тартибда ажратилган аванснинг мутаносиб равишда ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, объектга ажратилган маблағ қиймати учун бажариладиган ишлар жорий қийматининг 95 фоизи миқдорида ҳар ойда жорий молиялаштирилади.

17. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб китоб, яъни объектнинг шартномавий жорий қийматининг 5% қурилиш тугалланган объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг, кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Пудратчи томонидан объектнинг фойдаланувчисидан кафолат муддатида объектда камчиликлар аниқланмаганлиги ҳамда кафолат суммасини тўланишига эътирози йўқлиги ҳақидаги маълумот тақдим этилганидан кейин амалга оширилади, ушбу ҳужжатлар Пудратчининг айби билан ўз вақтида Буюртмачига тақдим этилмаганлиги сабабли даъво муддати ўтган ёки ажратилган маблағ бюджетга қайтганлиги сабабли тўлов амалга оширилмаган ҳолларда Буюртмачи Пудратчи олдида мулкӣ ва бошқа тусда жавобгар ҳисобланмайди.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII.Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник назоратчини ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

27. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

28. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қўрилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

29. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларига мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

30. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

31. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёриги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

32. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса ва уларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

33. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

34. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради, озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

35. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб бермаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш.

36. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

37. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

38. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

39. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

40. Агар томонлар икки ой ичида қилиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

41. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан, яъни Пудратчи объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади.

42. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

43. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос қилиниши ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади фойдаланувчига 1-ой муддат ичида топширилиши шарт.

XII. Кафолатлар

45. Пудратчи: -барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; -лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим; -ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини; -ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишни; -объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

46. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 йил этиб белгиланади.

47. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

48. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

49. Буюртмачи: -шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; -ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда; Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

50. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда; Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

51. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

52. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

53. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

54. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV.Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

55. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

56.Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.Вилоят молия бошқармасидан объектнинг Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ берилмаганлиги сабабли, тўловни амалга оширмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчи олдида мулкӣ жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

57.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

58. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош торганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош торган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

59. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

60. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

61. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

62. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV.Коррупцияга қарши қурашишга доир мажбурий шартлар

63. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши қурашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

- шу жумладан, пора тақлиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкӣ имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини қафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

XVI. Низоларни ҳал қилиш

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз қучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқӣ ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишларни якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди ва Ҳазначилик бошқармасидан руйхатдан ўтгандан сўнг юридик кучга эга ҳисобланади ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Пудратчи”

"ELITE BUILDING" MCHJ

Манзил: Учкуприк тумани Катта кенагас
кишлоғи

Х/р: 2020 8000 6009 3043 7001

Банк: Қўкон шаҳар АТБ "Универсал банк"

бош офиси

МФО: 00973

ИНН:305 795 804



Рахбар:

Б.Нуъмонов

М.Ў.

“Буюртмачи”

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси

Манзил: Фарғона ш. Б.Марғиновий 143-уй

Тел./факс: 0-373-244-72-04

шхр: 301121860304017063201110217

СТИР: 305-987-080

ОКОНХ 42210

ХР: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014



Рахбар:

Р.Холикназаров

Хукукий ҳулоса:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳукукий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Пудратчи раҳбари шартномани имзолаш ҳукукига эга эканлигини ва банкдаги реквизитлар тўғрилигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик ҳужжатларига мос келишлилигини аниқладим. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Юрист

А.А.Нишонов

"УТВЕРЖДАЮ"

"Узсувтаъминот" АЖ "Сув таъминоти ва
окова сув объектлари қурилиши бўйича
инжиниринг компанияси" УК директори

_____ Х.Якубов

" _____ " _____ 2022 й.

Қурилишнинг титуль рўйхати

Бўлим I. Қурилиш бўйича асосий маълумотлар

1.Қурилиш жойи ва номи		Олтиариқ тумани "Қачуғой" МФЙда янги қурилатган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик сув тизимини қуриш					
инвестор		Фукаролар ташаббуси жамғармаси					
Буюртмачи		Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси					
Лойихачи номи		ООО MODERN PROJECT SERVICE GROUP					
ЛХС		Бор					
Экспертиза		№80814 06.12.2022 й					
Бош пудратчи		"ELITE BUILDING" MCHJ					
Молиялаштириш манбаси		Фукаролар ташаббуси жамғармаси					
Қурилиш бошланиш ва тугаш вақти		2022-й.					
2.Қурилишнинг асосий кўрсаткичлари:		Лойиха бўйича		1.01.2022 й. Ҳолатига қолдиқ		1.01.2023 й. Ҳолатига қолдиқ	
Қуввати (ўлчов бирлигларига асосан)		0,58 км/ 1 объект					
Асосий фондлар		1395,41		1395,41		0,00	
Капитал қўйилмалар		1395,41		1395,41		0,00	
Қурилиш монтаж ишлари		1290,80		1290,80		0,00	
Ускуна, жихозлар, инвентарлар		0,00		0,00		0,00	
Бошқа иш ва хизматлар		104,61		104,61		0,000	
Буюртмачининг сақлаш харажатлари				0,00		0,00	
2022 йил учун МВ ва ИТҚҚВ билан келишилган манзиллий рўйхатга асосан		Шартнома нархларида (млн.сўм)					
Қуввати (ўлчов бирлигларига асосан)		0,58 км/ 1 объект					
Асосий фондлар		1395,41					
Капитал қўйилмалар		1395,41					
Қурилиш монтаж ишлари		1290,80					
Ускуна, жихозлар, инвентарлар		0,00					
Бошқа иш ва хизматлар		104,61					
Буюртмачининг сақлаш харажатлари		0,00					
Бўлим II.2022 йил чорақлар бўйича. (жорий нархда млн.сўм)							
		йиллик жами	жумладан чорақлар бўйича				
			I	II	III	IV	
Фойдаланишга топшириш қуввати		0,58 км/ 1 объект					
Асосий фондлар		1395,41					
Капитал қўйилмалар		1330,87	0,00	0,00	0,00	1330,87	
Қурилиш монтаж ишлари		1226,26	0,00	0,00	0,00	1226,26	
Ускуна, жихозлар, инвентарлар		0,00					
Бошқа иш ва хизматлар		104,61				104,61	
Буюртмачининг сақлаш харажатлари		0,00					

Буюртмачи:

"Сув таъминоти ва окова сув объектлари қурилиши бўйича
инжиниринг компанияси" УК Фаргона вилояти ҳудудий

Р.Холикназаров

Пудратчи:

"ELITE BUILDING" MCHJ

Б.Нуъмонов



**Олтиариқ тумани "Қачутой" МФЙда янги қуриладиган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик сув тизимини қуриш
Объекти бўйича қурилиш монтаж ишларини бажариш графиги**

Ишлар бажариш даври - 1 ой

Жами қурилиш қиймати

2022 йилда бажариладиган ишлар қиймати

2023 йилда бажариладиган ишлар қиймати


1 290 800 000 (Бир миллиард икки юз тўқсон миллион саккиз юз минг) сум ҚҚС билан

1 290 800 000 (Бир миллиард икки юз тўқсон миллион саккиз юз минг) сум ҚҚС билан

Ишлар номи	қурилиш қиймати	2021 йилда бажарилган ишлар қиймати	2022 йилда бажариладиган ишлар қиймати	2022 йил										йилдан йилга ўтувчи объектнинг 2023 йил учун қолдиқ қиймати	
				Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентяб рь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь		
Объект бўйича жами	1 290 800 000	0	1 290 800 000	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1 290 800 000	
Шу жумладан:															
Қурилиш монтаж ишлари	1 290 800 000		1 290 800 000								0			1 290 800 000	
Усуна, жиҳозлар, инвентарлар	0		0												

Буюртмачи:

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УҚ Фарғона-вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи:



Пудратчи:

"ELITE BUILDING" MCНД

Б.НУРМОНОВ

Олтиариқ тумани "Қачуғой" МФЙда янги қуриладиган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик сув тизимини қуриш
Объекти бўйича қурилиш монтаж ишларини молиялаштириш графиги


Жами қурилиш қиймати 1 290 800 000 (Бир миллиард икки юз тўқсон миллион саккиз юз минг) сўм ҚҚС билан
2022 йилда молиялаштирилмаган маблағ 1 226 260 000 (Бир миллиард икки юз йигирма олти миллион икки юз олти миң) сўм ҚҚС билан

2023 йилда молиялаштирилмаган маблағ (шундан кафолат суммаси ушлаб қолинади)

Молиялаштириш шартлари	Жами қурилиш қиймати	2021 йилда молиялаштирилган маблағ	2022 йилда молиялаштирилган маблағ	2022 йил								2022 йил учун 5 % ли сумма	2023 йилга қолган маблағ		
				Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь			Ноябрь	Декабрь
Аванс 30 %	387 240 000		387 240 000										387 240 000		
бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш 65 %	839 020 000		839 020 000										839 020 000		
Фойдаланишга топширилиб, кафолат муддати тугагандан сўнг молиялаштирилмаган маблағ 5 %	64 540 000	0												64 540 000	
ЖАМИ:	1 290 800 000	0	1 226 260 000	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1 226 260 000	64 540 000	0

Буюртмачи:

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи:





"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари
А. Исаков
" " " 2022 й.

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжениринг компанияси” УҚ Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бўйрғамчилигида
Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва каналзация тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан
тадбиркорлик субъектлари томонидан 2022 йилда қуриладиган кўп қаватли уй-жойлар массивларини ташки ичимлик ва оқава-сув объектларини қуриш бўйича

МАНЗИЛИ РЎЙХАТИ

(Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 22-сонли баяни)

№	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бопларини на фойдаланиш таъминоти били	Лойиҳа қурилиш били	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, бўртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объектнинг қиймати жумладан, бўртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объектнинг қиймати жумладан, бўртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объектнинг қиймати жумладан, бўртмачи бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити							2022 йилда фойдаланишга тоширилган		01.01.23 й. ҳолатига объектнинг қиймати жумладан, бўртмачи бошқа харажатлари	Экспертиза ҳужусаси расами на санаси	Тендер (таъин)лар натijasига бўйича баънома расами на санаси	Қурилиш қуриш ташкилот номи
								шу жумладан				Муддат/ қуриш	Асосий фонд суммаси							
								Жами капитал қўйилмалар	Қурилиш - монтиаж ишлари	Жикоз	Бўртмачи бошқа харажатлари				Жами	жумдан, саклаш харажатлари				
1	Фарғона вилояти бўйича жами:		15,74 км 9 объект	11 156,17 480,45	11 156,17 480,45	11 156,17 480,45	12 000,00	11 329,55	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20		
1	Бешарик тумани "Файзобод" МФЙда янгича қуриладиган кўп қаватли уй- жойларнинг ичимлик сув тизимларини қуриш	2022-2023 йй	1,02 км 1 объект	710,16 34,35	710,16 34,35	710,16 34,35	676,37	642,02		34,35					33,79	№ 64853 14.10.22 й		Танлов (тендер) савдолари орқали амалда		
	шу жумладан ЛҚИ:																			
	Бешарик тумани "Файзобод" МФЙда янгича қуриладиган кўп қаватли уй- жойларнинг оқова сув тизимларини қуриш	2022-2023 йй	2,68 км 1 объект	2 754,93 133,24	2 754,93 133,24	2 754,93 133,24	1 923,85	1 790,61		133,24					831,08	№45/01-06/1-7426 31.10.22 й		Танлов (тендер) савдолари орқали амалда		
	шу жумладан ЛҚИ:									91,20										
2	Олтиарик тумани "Қачуғой" МФЙда янгича қуриладиган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик сув тизимларини қуриш	2022-2023 йй	0,58 км 1 объект				1 500,00	1 480,00		20,00								Танлов (тендер) савдолари орқали амалда		
	шу жумладан ЛҚИ:																			
	Олтиарик тумани "Қачуғой" МФЙда янгича қуриладиган кўп қаватли уй-жойларнинг оқова сув тизимларини қуриш	2022-2023 йй	0,75 км 1 объект				1 000,00	830,00		170,00								Танлов (тендер) савдолари орқали амалда		
	шу жумладан ЛҚИ:									147,00										
3	Қўва тумани "Бойистон" ("Қаюир") МФЙда янгича қуриладиган кўп қаватли уй- жойларнинг ичимлик сув тизимларини қуриш	2022-2023 йй	0,35 км 1 объект	646,32 25,14	646,32 25,14	646,32 25,14	615,26	590,12		25,14					31,06	№ 62651 27.09.22 й		Танлов (тендер) савдолари орқали амалда		
	шу жумладан ЛҚИ:																			
	Қўва тумани "Бойистон" ("Қаюир") МФЙда янгича қуриладиган кўп қаватли уй- жойларнинг оқова сув тизимларини қуриш	2022-2023 йй	4,03 км 1 объект	1 829,40 66,35	1 829,40 66,35	1 829,40 66,35	1 741,25	1 674,90		66,35					88,15	№ 63300 29.09.22 й		Танлов (тендер) савдолари орқали амалда		
	шу жумладан ЛҚИ:										60,00									
4	Ўзбекистон тумани "Яқалут" МФЙда янгича қуриладиган кўп қаватли уй- жойларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш	2022-2023 йй	2,59 км 2 объект	2 548,52 104,32	2 548,52 104,32	2 548,52 104,32	2 003,93	1 899,61		104,32					544,59	№ 45/01-06/1- 7079 13.10.2022 й		Танлов (тендер) савдолари орқали амалда		
	шу жумладан ЛҚИ:										90,00									

№	Объектлар номи ва мазмун	Қўрилиш босқичи ва фойдаланиш топирилган йили	Лойҳа қўйиш	Объектнинг ушбу йили (шарҳнома берилган) жамий босқичи	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объект қолдиқ қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объект қолдиқ қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объект қолдиқ қиймати	2022 йил учун капитал қўйималар - йамиги						2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (сайта ҳисобидан бўлган) қолдиқ қиймати	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объект қолдиқ қиймати	Экспертиза ўтказилган йилдан йилга ўтувчи рақам ва сана	Тендер (таълим)лар натижалари бўйича баҳолаш рақам ва сана	Қўрилиш кузрат ташкилотининг номи
								Жамий капитал қўйималар	Қўрилиш - монтаж ишлари	Жамий	Шу жумладан		Муддат/ қўйиш	Асосий фонд суммаси						
											Бўғуртмачи босқичи	Харажатлари								
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	
5	Евлевон тумани "Евлевон" МФЙ Баҳор" массивида янги қўриқланган кўп қаватли уй-жойларнинг ичкилик сув тизимларини қўриш	2022-2023 йй	1,5 км 1 объект	602,61	602,61	602,61	602,61	573,34	556,13	17,21						29,27	№ 62/107 21.09.22 й			
				17,21	17,21	17,21	17,21	17,21												
	шу жумладан ЛКЖ:			2 064,23	2 064,23	2 064,23	2 064,23	1 966,02	1 866,16	99,85	99,85					98,22	№ 45/01-06/1-7169 18.10.2022 й			
	Евлевон тумани "Евлевон" МФЙ Баҳор" массивида янги қўриқланган кўп қаватли уй-жойларнинг оқова сув тизимларини қўриш	2022-2023 йй	2,24 км	99,85	99,85	99,85	99,85				88,20									
	шу жумладан ЛКЖ:																			
	Тақсимланган объект																			

*) Объектнинг қўйиш ва қиймати лойҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг аниқланади ва молиялаштириш бўлибди.

"Сув таъминоти ва оқова сув тизимлари суратлаш бўлими"нинг ичкиликнинг қўйиш ва қиймати лойҳа-смета бўлими бўлиши



"Келинлиди" Фирмада ишловчи молия ва бошқармаси бўлиши

3. Рузалиев



"Келинлиди" Фирмада ишловчи молия ва бошқармаси бўлиши

А.Рўзиев

2022 йил " " "

ОБЪЕКТЛАРНИ ДАВЛАТ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲУКУМАТ КАФОЛАТИ ОСТИДАГИ КРЕДИТЛАР ҲИСОБИГА
БАРПО ЭТИШДА ҚУРИЛИШ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ МАЖБУРИЙ СУГУРТА ҚИЛИШ ҚИЛИШ
0504/8909/1/2200213-001-сонли ПОЛИСИ

Мазкур Сугурта полисига (бундан буён - Полис) асосан Сугурталовчи, Полисда шартлашган ҳақ (сугурта мукофоти) эвазига, Сугурта қилдирувчига ёки учинчи шахсларга, сугурта ҳодисаси содир бўлганда, Полисда белгиланган сугурта пули доирасида зарарни қоплаб бериш мажбуриятини олади.

Мазкур Полис, Полиснинг ажралмас қисми ҳисобланадиган 2022 йил «22» декабрдаги 0504/8909/1/2200213-сонли "Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий сугурта қилиш" шартномаси доирасида тузилган.

- | | | |
|------|---|--|
| 1 | Сугурталовчи | <p>"APEX INSURANCE" АЖ
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
20.04.2019 йилдаги СФ 00241-сонли Лицензияси
Юридик манзил: Тошкент ш., Буюк Ипак йўли кўчаси, 154
А уй.
телефон: + (99871) 203 08 08, қисқа рақам 1188
Сугурталовчи тўғрисида батафсил маълумот ушбу
сайтда: https://apexinsurance.uz</p> <p>«ELITE BUILDING» MCHJ</p> <p>"Оптиариқ тумани "Қачуғой" МФЙда янги қурилаётган қўп
қаватли уй-жойларнинг ичимлик сув тизимини қуриш"</p> <p>Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, машиналар,
уларга эҳтиёт қисмлар, материаллар ва қурилиш
январдониди бўлган ҳамда сугурта шартномасида қайд
этилган қурилиш ва монтаж буюмини ўзида
ифодадайдиган бошқа мол-мулк, шунингдек қурилиш-
монтаж ишларини амалга оширишда учинчи
шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига зарар
етказилиши.</p> |
| 2 | Сугурта қилдирувчи | |
| 3 | Қурилиш объекти номи | |
| 5 | Сугурта ҳодисаси | |
| 6 | Сугурта пули | 1 032 640 000,00 (Бир миллиард ўттиз икки миллион
олти юз қирқ минг) сўм |
| 6.1. | шу жумладан қурилиш-монтаж ишларини амалга
оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик
жавобгарлиги бўйича | |
| 7 | Сугурта мукофоти | 400.000,0 (Тўрт юз минг) сўм |

Полис 2022 йил 22 декабрда имзоланган ва 2023 йил 27 январ соат 23:59 қадар амал қилади.
Сугурталовчининг жавобгарлиги мазкур полиснинг 7 бандида кўрсатилган сугурта мукофоти ёки унинг қисми
тўлангандан кейин юзага келади.

Сугурталовчи номидан:

Ш.Б.Джурэбоев
Ф.И.Ш. (мансаби)



22.12.2022 й.
сана